

Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th August - 2024

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

ЎЗБЕКИСТОНДА МАКРОИҚТИСОДИЙ УЙҒУНЛИККА ЭРИШИШНИНГ АСОСЛАРИ

Абдулла Абдукодиров,

иқтисод фанлар номзоди,

II Тошкент Халқаро инвестиция форуми

Конференциясидаги маъруза тезислари

Ўзбекистон тараққиётидаги янгилашниш даврида амалга ошириладиган давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб берган Ҳаракатлар стратегияси ва тегишли Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармойишининг¹ қабул қилиниши мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий-сиёсий ривожига катта туртки берди. Ушбу ҳужжат доирасида коррупцияга қарши кураш, давлат хизматларини электрон тарзга ўтказиш, давлат бошқарувининг муҳим институтлари фаолиятини белгилаш, нақдсиз пул муомаласини ташкил этиш, мамлакатнинг энергетик мустақиллигини таъминлаш каби истиқболни белгилаб берган ҳужжатлар қабул қилинди. Шу ўринда энг принципиал ва нуфузли қарорлар деб тан олинган икки қарорни алоҳида кўрсатиш лозим: а) **миллий валютани эркин конвертация** қилиш асосини яратиб берган тарихий Президент Фармони², ҳамда б) **инфляцияни таргетлаш** (яъни мақсадли параметрлар доирасида ушлаб туришга интилиш) амалиётига ўтишни белгиловчи Президент қарори³.

Янги ҳокимият сиёсатининг моҳияти юзада турган муаммоларнигина ҳал этиш эмас, балки иқтисодиёт ва жамиятда йиғилиб қолган ва узоқ вақтлар амалга оширилмаган макроиқтисодий, аввалом бор, **монетар ва фискал барқарорликка** қаратилган ислохотларни амалга оширишда эди. Табиийки, бу жабҳаларда аввал қўлланилган воситалар — давлатнинг етакчилик роли институтига мурожаат қилинди. Ўша даврларда “бозорнинг сеҳрли қўли” ғоясидан чарчаган кўпгина дунёга машҳур ва мейнстримда (асосий оқимда) бўлган иқтисодчиларнинг ва қолаверса, бутун ривожланаётган давлатлардаги иқтисодий ислохотларнинг асосий муаллифи ва уларни амалга оширишга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши, 15.08.2017 йил, №ПФ-5024,

² “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 02.09.2017 й. №ПФ-5177

³ “Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 13.09.2017 й. №ПҚ-3272



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th August - 2024

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

молия маблағлари ажратадиган ташкилот — Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банки турли раҳбарлари ва асосий олим ва консултантларининг энг муҳим ва ўзлари тубдан ишонган фикри — **давлатнинг иқтисодиётни бошқаришда етакчи роли** бўлиши кераклиги ғояси эди. Ўзбекистон давлати тараққиётининг тарихий мантиғи ва моҳияти олдинда турган вазифаларни ҳал этишда бу ғояни шубҳасиз аксиомадек қабул қилинишига асос яратган эди. Иккинчи томондан, янги ислохотларни амалга оширишда, шубҳасиз, жаҳон молия институтларининг тажрибаси, ислохотлар моҳиятига мойиллиги ва маблағларидан фойдаланиш табиий ва объектив талаб қилинган ҳолат эди. Иқтисодий фикрда “янги кейнсчилик” деб аталган таълимот XX асрнинг иккинчи ярмида нуфузли олимлар ва давлат раҳбарларининг онгини эгаллади. Юқорида айтилган шароитлар фонида Янгиланиш даврида Ўзбекистонда ҳам Кейнс ғоялари кенг татбиқ этилди. Сиёсий ва иқтисодий мантиқ шуни кўрсатадики, 2017–2021 йилларда **Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари орасида икки ўта муҳим йўналиш** негизида Кейнс назариясини Ўзбекистон шароитида қўллаш амалга оширилган эди. Биринчиси “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш” деб номланган бўлиб, унинг таркибий моҳияти миллий валюта эркин алмашинувини ва ички бозордаги нархларнинг барқарорлигини таъминлаш, ташқи савдо операцияларини тартибга солиш, Ўзбекистонга хорижий инвестицияларни жалб қилиш, халқаро ва етакчи давлатларнинг молиявий институтлари билан алоқаларни кенгайтириш, экспортга мўлжалланган йирик ишлаб чиқариш қувватларини, замонавий технологияларни халқ хўжалигига жорий этиш каби чора-тадбирлар мажмуасини ўз ичига олган эди. Иккинчи муҳим йўналиш бу “Ижтимоий соҳани ривожлантириш” деб номланган бўлиб, у аҳолининг турли қатламларининг бандлигини таъминлаш (айниқса, аёллар ва ёшларни), фуқароларнинг ижтимоий соҳадаги энг биринчи эҳтиёжларини тўла қондириш (саломатлик, фан, таълим, маданият ва спорт соҳаларида), ишлаб чиқариш ва аҳоли мобиллигини таъминлаш учун зарур бўлган йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган эди. Давлатнинг фискал ва инвестициялар сиёсатида янги Кейнсчилик аломатлари 2017 йилдан сўнг қуйидагиларда тўла кўрина бошлади:



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th August - 2024

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

- фискал сиёсатда давлат даромадлари ва харажатларини кескин ошириш асосий мақсадлардан бири бўлиб қолади, чунки дастлабки капитал концентрацияси ҳосил бўлмаган, ўртача даражадаги тадбиркорлар синфи ташкил топмаган, ички резервлар чекланган, аҳолининг ва майда тадбиркорларнинг инвестицион имкониятлари минимал даражада бўлган бир шароитда давлат ўз зиммасига жуда катта иқтисодий, ижтимоий масъулиятларни олишга мажбур;

- катта инфраструктуравий, саноат ва қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар давлат жалб қилган маблағлар ҳисобига амалга оширилади. Давлатнинг инвестицион ва жорий харажатлари (public investments/spending) кескин ошади, жамиятда янги иш ўринлари кўпайиши, иқтисодиётдаги талаб юқори даражада бўлиши кутилади;

- йирик инфраструктуравий (ичимлик, суғориш суви, арзон уй-жой, йўллар, кўприклар, санитар тозалаш зоналари, экологияни яхшилаш) лойиҳалар ҳам давлат ҳисобига амалга оширилади (улар тижорат банклари ва бошқа инвесторларга фойда истикболлари аниқ бўлмагани учун қизиқ эмас);

- давлат мамлакатнинг энергетика, озиқ-овқат соҳасидаги суверенитети, транспорт, логистика, экспорт ҳажми каби соҳаларга асосий йўналишлар (драйверлар) сифатида эътибор қаратади;

- ижтимоий соҳада аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш (айниқса, периферия ва қишлоқларда), маҳаллалар кесимида махсус тараққиёт ва тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари амалга оширилади. Аҳолининг кам таъминланган қатламларига тўғридан-тўғри ижтимоий ёрдам ва “лифтлар” тизими ишлаб чиқилади ва жорий этилади.

Ушбу соҳалардаги лойиҳаларнинг аксарияти давлат молияси асосида амалга оширилгани туфайли давлат харажатларининг ўсиши ялпи ички маҳсулотнинг юқорироқ даражада ўсиши билан, айланмадаги пул ҳажмининг кескин ўсиши эса Марказий банкнинг монетар сиёсати самараси билан компенсация қилиб борилди. Яъни, Марказий банкнинг монетар сиёсати давлатнинг асосий инвестиция сиёсатининг **комплементар** (тўлдирувчи) қисми деб қаралган эди. Амалиётда бу комплементарлик тескари вазифани бажарди. Жумладан, валюта бозорининг эркинлашуви, фискал соҳада оборот солиқларининг роли ошиши миллий валютага, оборот маблағларига талабни кўтарди, Марказий банк томонидан ўрта муддатга мўлжалланган (4–5 йил) инфляцияни маълум



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th August - 2024

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

белгиланган доирасида ушлаб туришга қаратилган амалиётлари⁴ ишга туширилиб, улар пул бозоридаги муносабатларни кескин ўзгартирди. Ҳукумат даражасида қабул қилинган қарорларнинг фискал ва инвестицион моҳияти (иқтисодиёт ривожланишига катта миқдорда пулларни жалб қилиш сиёсати) Марказий банкнинг монетар чеклаш амаллари моҳиятига борган сари кўпроқ зид кела бошлади. Натижада монетар чеклаш фақатгина Марказий банк фаолияти ва масъулияти доирасида бўлган инструментлар билангина амалга оширилди:

- тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш шиори остида уларнинг капиталига ва резерв жамғармаларига бўлган талаблар кескин оширилди ва банкларнинг катта резервлари Марказий банк активларига айланди (Марказий банк депозит сиёсати туфайли айланмадан чиқарилди). Марказий банк тижорат банкларининг амалдаги кредит портфели фойда даражасини инобатга олган ҳолда бозорда депозитлар ва қимматли қоғозлар таклиф қилиб, тижорат банкларини ҳеч қандай рисксиз ўртача ва мўътадил даромадларга қаноат қилишга ўргатди;

- Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкалари кўтарилди ва унинг ортидан депозитлар ва кредитларнинг ставкалари кескин ошди;

- Марказий банк томонидан кредитларни кафолатлаш, гаров миқдори ва миқёсини ҳисоблаш, кредитларни таснифлаш талаблари оширилди.

Янги Кейнсчилик назариясига асосланган сиёсатни юритиш учун давлат энг аввало ўз молиявий ресурслари ва макроиқтисодий бошқарув самарасига таяниши лозим эди. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш давлатнинг **молиявий тизими устунларини** ташкил этувчи бешта принципиал манбанинг ҳосил бўлиши ва сарфланишидаги сон ва сифат ўзгаришларига боғлиқ бўлиши керак эди, айнан:

- Давлат бюджети ҳажми ва унинг асосий мақсадлари, ички тузилиши;
- Марказий банкнинг олтин-валюта захираси ҳажми, ички барқарорлиги
- Давлатнинг бошқа суверен захира жамғармалари барқарорлиги;
- Давлат банкларининг молияси, унинг барқарорлиги (туйғунлиги ва уйғунлиги), актив-пассивлари ички тузилиши ва сифати;
- Давлат корхоналарининг молияси, фаолиятининг барқарорлиги (ишлаб чиқариш ҳажмлари, инвестициялар, фискал босим ва бошқалар).

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 13.09.2017 й., №ПҚ-3272



Proceedings of International Educators Conference


Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th August - 2024

ISSN: 2835-396X

Website: econference-series.com

2010-2023 йилларда асосий кўрсаткичларнинг ўзгариши (млрд доллар)



Манба: Жаҳон банки: <https://api.worldbank.org/v2/en/country/UZB?downloadformat=excel>

1-графика

Ана шу бешта манба динамикасида 2017 йилдан сўнг жуда катта ўзгаришлар юз берди. Жаҳон банки тавсиф этган маълумотларга кўра, 2017–2023 йилларда давлатнинг консолидациялашган бюджетининг харажатлари кескин ўсиб борди ва ушбу вақт ичида 13,9 млрд АҚШ доллари миқдорига (ЯИМнинг 22,7 фоизи) эга бўлган даражадан 31,3 млрд долларгача кўтарилди (ЯИМнинг 34,4 фоизи), яъни етти йил давомида давлат харажатларининг ўсиш суръатлари 230% дан ортиқ бўлди. Ваҳоланки, ана шу йиллар давомида ЯИМнинг ҳажми 2017 йилдаги ҳажмидан (\$ 61,2 млрд) 148,5%га ўсиб, 2023 йилда \$ 90.9 млрдни (жорий даврдаги ўртача алмашув курси билан ҳисобланган эквиваленти бўйича) ташкил этди. Лекин давлат харажатларининг ўсиши, иқтисодиётга бўлаётган хусусий ва тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажмига деярли таъсир қилмади. Таҳлил қилинаётган йиллар давомида тўғридан-тўғри инвестицияларнинг соф оқими жуда волатил (ўзгарувчан) ҳолда бўлиб, 1,8 млрд доллардан 2,1 млрдга ўсди (16,7%).

Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th August - 2024

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Аузан А. «Культурные коды экономики. Как ценности влияют на конкуренцию, демократию и благосостояние народа» — М.: АСТ, 2022. — 160 с. — ISBN 978-5-17-148122-3
2. Джо Стадвелл. “Азиатская модель управления. Удачи и провалы самого динамичного региона в мире.” <https://alpinabook.ru/catalog/book-aziatskaya-model-upravleniya/>
3. Murray N.Rotbard: “Anatomy of the State”. <https://mises.org/library/book/anatomy-state>
4. Хуббим Улашев: “Макроиктисодий барқарорликнинг мамлакат миллий иктисодиёти ривождаги ўрни” *Iqtisodiyot Va ta’lim*, 25(2), 10–14. Retrieved from <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/1483>



E- Conference Series

Open Access | Peer Reviewed | Conference Proceedings



E- CONFERENCE
SERIES